

Депутатлар Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасида



Бугунги кунда Конституциявий қонун лойиҳаси юртимизда кенг жамоатчилик томонидан муҳокама қилинмоқда. Жойларда ўтказилаётган тарғибот тадбирлари, учрашувларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти халққа етказилмоқда.

Халқ депутатлари Термиз тумани Кенгаши депутатлари ҳам муҳокама жараёнларида фаол иштирок этиб келишяпти. Бугун Халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти томонидан ташкил этилган йиғилишда депутатларимиз Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасида бўлишиб, қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида ахборотлар берилди.